

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

563 Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларини олий маълумотли юқори малакали кадрлар билан таъминлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларида талаб юқори бўлган олий маълумотли кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан ошириш, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаси олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, таълим жараёнига замонавий юқори самарали педагогика ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор усулларини фаол жорий этиш, қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари педагог кадрлари ва мутахассислари малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2015 — 2017 йиллар даврида қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларини олий маълумотли юқори малакали кадрлар билан таъминлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Дастур қуйидагиларни назарда тутди:

қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларининг зарур ихтисосли ва маълумот даражасига эга бўлган олий маълумотли юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари битирувчиларини улар эгаллаган мутахассисликка мувофиқ ишга жойлаштириш ишларини такомиллаштириш;

давлат таълим стандартларини, ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини янгилаш асосида қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, ўқув жараёнига

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

замонавий юқори самарали педагогика ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, талабаларнинг малака амалиётларини ташкил этишни такомиллаштириш;

замонавий ишлаб чиқариш талабларини ва илғор технологияларни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасаларининг илмий ва педагог кадрларини, қишлоқ ва сув хўжалиги мутахассисларини, шунингдек фермер хўжалиги раҳбарлари ва мутахассисларини сифатли тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлаш;

етақчи олимлар ва тажрибали мутахассисларни ўқув жараёнига жалб этиш, қўшма тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш, кейинчалик уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш йўли билан қишлоқ ва сув хўжалиги бўйича таълим, фан ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг интеграциясини чуқурлаштириш;

қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасаларининг етакчи хорижий олий таълим ва илмий муассасалар билан ҳамкорлиги мустақамланишига кўмаклашиш, ўқув жараёнини янада такомиллаштириш ҳамда профессор-ўқитувчилар таркибининг педагогик ва касбий савиясини ошириш учун халқаро грантларни жалб этиш, ахборотларни ва тўпланган амалий тажрибани кенг айирбошлаш;

қишлоқ ва сув хўжалиги бўйича ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълимнинг изчиллиги ва узлуксизлигини таъминлаш, ўқитувчилар таркибининг касб даражасини ва ўқув жараёни сифатини оширишда, ўқув ва методик адабиётлар тайёрлашда қишлоқ ва сув хўжалиги бўйича академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларига амалий ёрдам кўрсатиш;

қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги таълим муассасаларининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ҳамда уларни замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ва ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан жиҳозлаш.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Тошкент давлат аграр университети тузилмасида ўз фаолиятини юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширувчи Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин, Марказга қуйидаги вазифалар юклансин:

Тошкент давлат аграр университети талабалари ва Тошкент вилоятининг қишлоқ ва сув хўжалиги бўйича касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг ўқув-танишув ва ишлаб чиқариш амалиётидан ўтишларини ташкил этишга, уларнинг касбий кўникмаларни эгаллашига кўмаклашиш;

ўқитувчилар, катта илмий ходимлар-изланувчилар ва мустақил изланувчилар, шунингдек талабалар томонидан мевачилик, сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида илмий-амалий тадқиқотлар ва ишланмалар бажарилишига ташкилий жиҳатдан кўмаклашиш;

сабзавот экинлари уруғчилиги, мевали дарахтлар ва узум кўчатларини

кўпайтиришнинг илғор усуллари, уларни етиштириш инновацион технологияларининг ишлаб чиқаришга жорий этилишида иштирок этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ва Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Тошкент вилояти Зангиота туманининг «Гулистон» қишлоғи ҳудудида жойлашган 3 қаватли маъмурий бинони тезкор бошқариш ҳуқуқи билан, шунингдек Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти марказини жойлаштириш учун академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг 10 гектар ер участкасини доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан Тошкент давлат аграр университетига белгиланган тартибда текин берсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Фермерлари кенгашининг қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари ҳузурида давлат унитар корхоналари шаклида фермер хўжаликларининг раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий марказларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда ҳам олий таълим муассасалари базасида, ҳам касб-ҳунар коллежларида фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларини ўқитишнинг бутун тизимини, шунингдек фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий марказларини ташкил этиш бўйича комплекс масалаларни қамраб олишни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини бир ҳафта муддатда ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда киритсинлар.

5. Қуйидагилар:

Тошкент давлат аграр университетининг янгиланган тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалининг янгиланган тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг янгиланган тузилмаси 4-иловага мувофиқ;

Тошкент ирригация ва мелиорация институти Бухоро филиалининг янгиланган тузилмаси 5-иловага мувофиқ;

Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг янгиланган тузилмаси 6-иловага мувофиқ;

Андижон қишлоқ хўжалиги институтининг янгиланган тузилмаси 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига зарурий бўлганда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда

қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасаларининг тасдиқланган тузилмаларига ходимларнинг тасдиқланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳукуқи берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги:

Тошкент давлат аграр университети, Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиали, Тошкент ирригация ва мелиорация институти, Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг Бухоро филиали, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти, Андижон қишлоқ хўжалиги институтининг янгиланган уставларини икки ой муддатда, белгиланган тартибда тасдиқласинлар;

2015 йил 20 декабргача бўлган муддатда қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари факультетлари ва кафедраларини юқори малакали кадрлар билан бутлаш, ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш, дарсликлар ва ўқув адабиётлари, замонавий компьютер техникаси билан таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда 2016/2017 ўқув йилида республика қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасаларида бакалаврлар ва магистрлар тайёрлаш бўйича қабул квотасини ишлаб чиқишда ўрмон хўжалиги ва доривор ўсимликлар бўйича бакалаврият ва магистратура мутахассисликларининг талаб юқори бўлган янги таълим йўналишларини очишни назарда тутсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг асосланган буюртманомалари бўйича 2016 йил ва кейинги йиллар учун Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурини шакллантиришда 2015 — 2017 йиллар даврида қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларини олий маълумотли юқори малакали кадрлар билан таъминлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурида назарда тутилган қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари объектларини қуриш ва реконструкция қилишни молиялаштиришга марказлаштирилган капитал қўйилмаларнинг тегишли лимитларини назарда тутсинлар.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қишлоқ ва сув хўжалигининг етакчи ташкилотлари ва тармоқлари базасида талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва ўтказишда қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасаларига амалий ёрдам кўрсатсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика қишлоқ ва сув хўжалиги учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 3 сентябрдаги 415-сон қарорида:

қарорнинг 3-банди ва қарорга 1 — 4-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

8-банддаги «300 гектаргача» сўзлари «300 гектардан ортиқ бўлмаган» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг Бухоро филиалини ташкил этиш тўғрисида» 2010 йил 20 августдаги 182-сон қарори 4-бандининг иккинчи хатбоши ва қарорга 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Ю. Ходиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 3 ноябрь,
311-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 3 ноябрдаги 311-сон қарорига
1-ИЛОВА

563-модда

**2015 — 2017 йиллар даврида қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларини
олий маълумотли юқори малакали кадрлар билан таъминлашни янада
такомиллаштириш чора-тадбирлари
ДАСТУРИ**

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул бажарувчилар	Амалга ошириш шакли
I. Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларининг олий маълумотли мутахассисларга бўлган реал эҳтиёжини аниқлаш					
1.	Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотлари учун мутахассисларнинг лавозимлари ва ишчилар касбларининг намунавий номенклатурасини, шунингдек фермер хўжалиklarининг намунавий штатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2015 йил декабрь	—	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши	Бажарувчиларнинг қўшма қарори
2.	Фермер хўжаликларидаги асосий касблар ва лавозимлар бўйича тариф-малака тавсифларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва нашр этиш.	2015 йил декабрь	—	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши	Бажарувчиларнинг қўшма қарори
3.	Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларининг олий маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёжи прогноз параметрларини аниқлаш.	ҳар йили декабрда	—	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши	Бажарувчиларнинг Чора-тадбирлари комплекси
4.	Фермер хўжаликлари ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотлари учун янги лавозимлар ва касбларни жорий этишни, шунингдек минтақавий хусусиятларни ва кадрларга бўлган реал эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасаларига талабалар қабул қилишнинг ҳар йилги квоталари бўйича таклифларни шакллантириш.	ҳар йили январда	—	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва ташкилотлар	Бажарувчиларнинг Чора-тадбирлари комплекси

— 44 —

44 (700)-сон

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш мuddати	Молиялаштириш манбалари	Масъул бажарувчилар	Амалга ошириш шакли
5.	Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари битирувчилари контингентини ҳисобга олган ҳолда иш ўринлари ташкил этишнинг прогноз параметрларини аниқлаш.	ҳар йили апрелда	—	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	Бажарувчиларнинг Чора-тадбирлари комплекси
II. Давлат таълим стандартларини, ўқув режаларини ва ўқув фанлари дастурларини янгилаш, замонавий, юқори самарали педагогика ва ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига жорий этиш асосида қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш					
6.	Фермер хўжаликларининг, қишлоқ ва сув хўжалиги ташкилотларининг хусусиятларини ва фаолиятини, меҳнат бозори конъюктурасини, лавозимлар ва касбларнинг янги номенклатурасини, кадрлардан фойдаланувчиларнинг мутахассисларнинг билимларига, маҳоратига ва касбий кўникмаларига бўлган замонавий талабларини ҳисобга олган ҳолда давлат таълим стандартларини, ўқув режаларини ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларини ўқув-методик таъминлашни яхшилаш.	2015-2016 йиллар	—	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат тест маркази, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари	Бажарувчиларнинг Чора-тадбирлари комплекси
7.	Қишлоқ ва сув хўжалиги бўйича бакалаврият ва магистратура ихтисосликларининг талаб катта бўлган очилаётган янги таълим йўналишларини ҳисобга олган ҳолда Олий таълим йўналишлари ва ихтисосликлари классификаторига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.	2016 йил май	—	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари	Бажарувчиларнинг Чора-тадбирлари комплекси
8.	Янги педагогика ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, замонавий ўқув ва методик адабиётлардан фойдаланиш, уларнинг ахборот-ресурс марказларини замонавий электрон-кутубхона тизимлари билан жиҳозлаш йўли билан қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасаларида таълим жараёни сифатини яхшилаш.	2015 — 2017 йиллар	Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасаларининг ушбу мақсадларга ажратиладиган маблағлари, ҳомийлар маблағлари	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари	Бажарувчиларнинг Чора-тадбирлари комплекси
9.	Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги ҳар бир олий таълим муассасасида энг яхши битириш малакавий иши, энг яхши магистрлик диссертацияси ва талабалар илмий конференциясидаги энг яхши маъруза учун танловларни ўтказиш.	ҳар йили апрель-майда	Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги	Бажарувчиларнинг Чора-тадбирлари комплекси

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш мuddати	Молиялаштириш манбалари	Масъул бажарувчилар	Амалга ошириш шакли
	Келгусида уларни илмий ва илмий-педагогик фаолиятга аниқ мақсадли тайёрлаш учун қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасаларининг бакалаврлари ва магистрантлари орасидан 100 нафар иқтидорли талабаларни танлаш, уларни моддий рағбатлантиришни ташкил этишни назарда тутиш.	2015 йил ноябрь	Ҳомийлар маблағлари	соҳасидаги олий таълим муассасалари, манфаатдор ташкилотлар, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари	
	Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасаларининг бакалаврлари ва магистрантлари орасидан иқтидорли талабалар рўйхатини ҳар йили янгилаб бориш.	ҳар йили мартда			
	Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари Кенгашларининг аълочи талабалари учун махсус стипендияларни, шунингдек ҳомийларнинг 12 та махсус стипендияларини таъсис этиш.	ҳар йили ноябрда	Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари, ҳомийлар маблағлари		
	Яқин вақтларда докторлик диссертациясини ҳимоя қилишни мўлжаллаётган қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасаларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги илмий-тадқиқот институтларининг (кейинги ўринларда илмий муассасалар деб аталади) 50 нафар энг яхши тайёрланган катта илмий ходимлари-изланувчиларини ва мустақил илмий изланувчиларини танлаш, уларни моддий рағбатлантиришни ташкил этишни назарда тутиш.	2015 йил ноябрь	Ҳомийлар маблағлари		
III. Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари педагог кадрларининг ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги мутахассисларининг малакасини оширишни ва уларни қайта тайёрлашни тизимли асосда таъминлаш					
<i>а) Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари педагог кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш</i>					
10.	Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларини модернизациялаш ва диверсификациялаш талабларига мувофиқ қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасаларининг педагог кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш дастурларини такомиллаштириш ва тасдиқлаш.	ҳар йили 1 декабргача	—	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар	Бажарувчиларнинг Чора-тадбирлари комплекси
11.	Педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш жараёнига замонавий педагогика ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш.	доимий равишда	Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги	Бажарувчиларнинг Чора-тадбирлари комплекси

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул бажарувчилар	Амалга ошириш шакли
				соҳасидаги олий таълим муассасалари	
<i>б) Қишлоқ ва сув хўжалиги мутахассисларининг, шунингдек фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш</i>					
12.	Қишлоқ ва сув хўжалиги мутахассисларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш давлат талабларини, ўқув режаларини, дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2015 йил декабрь	—	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат тест маркази, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, манфаатдор ташкилотлар	Бажарувчиларнинг қўшма қарори
13.	Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотлари раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш қисқа муддатли курсларини ташкил этиш ва ўтказиш.	ҳар йили 2015 — 2017 йиллар жадвали бўйича	Қишлоқ ва сув хўжалиги ташкилотлари маблағлари	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълим маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, манфаатдор ташкилотлар	Бажарувчиларнинг қўшма қарори
14.	Тошкент ирригация ва мелиорация институтида қуйидагилар бўйича ҳар йилги қисқа муддатли курсларни ташкил этиш: сув хўжалиги ташкилотлари раҳбарлари учун малака ошириш бўйича; сув хўжалиги учун кадрлар тайёрлашга ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари педагог кадрларини қайта тайёрлаш бўйича.	ҳар йили жадвал бўйича	Қишлоқ ва сув хўжалиги ташкилотлари маблағлари		Бажарувчиларнинг қўшма қарори
15.	Қишлоқ ва сув хўжалиги бўйича касб-хунар коллежларида сув хўжалиги ҳамда сув истеъмолчилари уюшмалари, шунингдек 2013 — 2017 йиллар даврида сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича давлат дастурини амалга оширишда қатнашувчи ташкилотларнинг мутахассислари учун малака ошириш курсларини ташкил этиш.	ҳар йили жадвал бўйича	Сув хўжалиги ташкилотларининг ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг, бошқа манфаатдор ташкилотлар ва ҳомийларнинг маблағлари		Бажарувчиларнинг қўшма қарори
16.	Махсус ўқув аудиторияларини ва лабораторияларини, шунингдек сув хўжалигининг демонстрация объектларини ва дала участкаларини сув хўжалиги ташкилотлари, сув истеъмолчилари уюшмалари раҳбарлари ва мутахассисларининг, шунингдек сув хўжалиги учун	ҳар йили жадвал бўйича	Молия вазирлиги ҳузуридаги Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти,	Бажарувчиларнинг қўшма қарори

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул бажарувчилар	Амалга ошириш шакли
	кадрлар тайёрлашга ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари педагог кадрларининг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш учун зарур бўлган ўқув-демонстрация материалларини тайёрлаш, замонавий лаборатория асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш. Уларни сув хўжалиги ва сув хўжалиги қурилишидаги энг янги ютуқлар билан янгилаб боришни таъминлаш.		департаменти, «Ўзmeliомашлизинг» ДЛК маблаглари, сув хўжалиги ташкilotлари ва ҳомийлар маблаглари	«Ўзmeliомашлизинг» ДЛК, манфаатдор вазирликлар ва идоралар	
17.	Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари ҳузурда давлат унитар корхоналари шаклида фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий марказларини ташкил этиш.	2015 йил декабрь	Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасаларининг марказлар томонидан кўрсатиладиган хизматлардан тушадиган бюджетдан ташқари маблаглари, Ҳомийлар маблаглари	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши	Бажарувчиларнинг Чора-тадбирлари комплекси
IV. Қишлоқ ва сув хўжалиги, илм-фан ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши бўйича таълимни интеграциялашни чуқурлаштириш					
18.	Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасаларининг педагог кадрларини қишлоқ ва сув хўжалиги бўйича илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларини танлаш ва шакллантиришга жалб этиш. Қишлоқ ва сув хўжалиги бўйича илмий ва олий таълим муассасаларининг фундаментал ва амалий тадқиқотлар натижалари бўйича илмий-инновация лойиҳаларини танлаш бўйича танловларда биргаликда иштирок этиши.	2015 — 2017 йиллар жадвал бўйича	—	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари, илмий муассасалар	Бажарувчиларнинг Чора-тадбирлари комплекси
19.	Илмий муассасаларнинг етакчи илмий ходимларини ва ишлаб чиқаришнинг тажрибали мутахассисларини қишлоқ хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасаларидаги педагогик фаолиятга, қишлоқ ва сув хўжалигида фан ва техникани ривожлантиришнинг энг долзарб йўналишлари бўйича дарсликлар ва ўқув адабиётларини ишлаб чиқишга жалб этиш.	доимий равишда, тасдиқланган ўқув дастурлари асосида	Олий таълим муассасаларининг ушбу мақсадларга ажратиладиган маблаглари, ҳомийлар маблаглари	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари, илмий муассасалар, манфаатдор ташкilotлар	Бажарувчиларнинг Чора-тадбирлари комплекси
20.	Илмий муассасалар томонидан қишлоқ ва сув хўжалиги олий таълим муассасаларининг ўқитувчиларини, катта илмий ходим-изланувчиларини ва мустақил илмий изланувчиларини қишлоқ ва сув хўжалигини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича илмий тадқиқотлар ўтказишга жалб этиш.	доимий равишда, тасдиқланган ўқув дастурлари асосида	Илмий муассасаларнинг ушбу мақсадларга ажратиладиган маблаглари, ҳомийлар маблаглари	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари, илмий муассасалар	Бажарувчиларнинг Чора-тадбирлари комплекси

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул бажарувчилар	Амалга ошириш шакли
21.	Талабалар, ўқитувчилар, катта илмий ходимлар-изланувчилар ва мустақил илмий изланувчилар томонидан ўқув-амалий машғулотлар ўтказиш ва илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасаларининг факультетлари ва етакчи соҳа кафедралари кабинетларини ташкил этиш.	2015 йил декабрь	Бажарувчилар маблағлари	Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларининг ташкилотлари	Бажарувчиларнинг Чора-тадбирлари комплекси
V. Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва мустақамлаш					
22.	Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари ҳамда етакчи хорижий таълим ва илмий муассасалар ўртасида халқаро ҳамкорликни мустақамлаш.	2015 — 2017 йиллар	Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари, халқаро ташкилотлар, хорижий таълим ва илмий муассасаларнинг грантлари	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари	Ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар
23.	Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини янада такомиллаштириш, педагог кадрлар малакасини ошириш ва илмий тадқиқотларни бажариш учун халқаро грантларни жалб этиш.	2015 — 2017 йиллар тузилган шартномаларга мувофиқ	Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари, халқаро ташкилотлар, хорижий таълим ва илмий муассасаларнинг грантлари	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари	Бажарувчиларнинг Чора-тадбирлари комплекси
24.	Ахборотлар, тўпланган тажриба ва мутахассисларнинг кенг алмашинувини таъминлаш, педагог кадрларнинг етакчи хорижий таълим ва илмий муассасалардаги стажировкаларини ташкил этиш. Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасаларида лекциялар ва махсус машғулотлар ўтказиш учун етакчи хорижий таълим ва илмий муассасаларнинг юқори малакали олимларини таклиф этиш.	доимий равишда	Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари, халқаро ташкилотлар, хорижий таълим ва илмий муассасаларнинг грантлари	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, манфаатдор ташкилотлар	Бажарувчиларнинг Чора-тадбирлари комплекси
VI. Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари битирувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этишни тубдан такомиллаштириш ҳамда уларни ишга жойлаштириш ишларининг самарадорлигини ошириш					
25.	Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасаларига талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўтказишда амалий ёрдам кўрсатиш ва ҳомийлик қилиш.	ҳар йили жадвал бўйича	Ҳомийлар маблағлари	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Ўзгидромет» маркази, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, манфаатдор вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар	Бажарувчиларнинг қўшма қарорлари
26.	Талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўташлари ва илмий ишланмаларнинг синовларини ўтказишлари	2015 йил ноябрь-	—	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Андижон,	Қорақалпоғистон Республикаси

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш мuddати	Молиялаштириш манбалари	Масъул бажарувчилар	Амалга ошириш шакли
	учун қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари қошидаги ҳар бир ўқув-тажриба хўжалигининг 5 гектардан сугориладиган ер майдонини давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришдан озод қилиш.	декабрь		Бухоро, Самарқанд, Тошкент вилоятлари ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ергеодезкадастр» давлат кўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари	Вазирлар Кенгаши, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Тошкент вилоятлари ҳокимликлари қарорлари
27.	Талабаларни ишлаб чиқариш амалиётини ўташ учун етакчи хорижий қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги ташкилотларига юбориш.	2015 — 2017 йиллар тузилган шартномаларга мувофиқ	Халқаро ташкилотларнинг, хорижий таълим ва илмий муассасаларининг грантлари	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари	Ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар
28.	Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманининг «Навой» қишлоғи ҳудудида жойлашган Тошкент давлат аграр университети қошидаги «ТошДАУ Экспериментал муассасаси» ўқув-тажриба хўжалигини тугатиш, белгиланган тартибда куйидагиларни: 58,9 гектар ер участкасини доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан «VUZ AGRO» масъулияти чекланган жамиятга («VUZ AGRO» МЧЖ) мева, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳамда 149,5 гектарини кейинчалик фермер хўжаликлари ташкил этиш учун Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлигининг ер захирасига берилишини; бинолар, иншоотлар ва бошқа мол-мулкнинг тезкор бошқарув ҳуқуқи билан Тошкент давлат аграр университети, кейинчалик «VUZ AGRO» МЧЖга беғараз фойдаланишга берилишини таъминлаш.	2015 йил декабрь	—	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат аграр университети, «Ергеодезкадастр» давлат кўмитаси, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси	Бажарувчиларнинг Чора-тадбирлари комплекси ва қўшма қарорлари
29.	Андижон қишлоқ хўжалиги институти қошидаги «АҚХИ ўқув-тажриба хўжалиги»нинг Андижон вилояти Андижон тумани «Кўйганёр» қишлоғи ҳудудидаги 9,7 гектар ер участкасини доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан Ғалла ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтига ҳамда 143,3 гектарини кейинчалик фермер хўжалиги ташкил этиш учун Андижон вилояти Андижон тумани ҳокимлигининг ер захирасига бериш.	2015 йил декабрь	—	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Андижон қишлоқ хўжалиги институти, «Ергеодезкадастр» давлат кўмитаси, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси	Бажарувчиларнинг Чора-тадбирлари комплекси ва қўшма қарорлари
30.	Давлат унитар корхонаси шаклида Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтида «Ветеринария хизмати кўрсатиш	2015 йил декабрь	Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти ва	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Самарқанд қишлоқ хўжалиги	Бажарувчиларнинг Чора-тадбирлари


Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул бажарувчилар	Амалга ошириш шакли
	илмий-амалий марказини («Ветсервис»)» ва «Наслчилик илмий-амалий марказини («Наслсервис»)), Андижон қишлоқ хўжалиги институтида — «Ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш илмий-амалий марказини («Био-сервис») ИАМ)» ташкил этиш. Ташкил этиладиган марказлар базасида талабаларни илмий-тадқиқот ишларига фаол жалб этган ҳолда уларнинг амалиёт ўташини ташкил этиш.		Андижон қишлоқ хўжалиги институтининг марказлар томонидан кўрсатиладиган хизматлардан тушадиган бюджетдан ташқари маблағлари, ҳомийлар маблағлари	институти, Андижон қишлоқ хўжалиги институти, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши	комплекси
31.	Ҳар йилги меҳнат ярмаркаларини, бўш ўринлар тақдирларини ташкил этган, оммавий ахборот воситаларида бакалаврлар ва магистрларнинг битириши тўғрисидаги обзорли ва статистик материалларни эълон қилган ҳолда, талабалар, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари ва иш берувчилар ўртасида учрашувлар ўтказиш ва уч томонлама шартномалар тузиш йўли билан битирувчиларнинг ишга жойлашишига кўмаклашиш.	ҳар йили, апрель-июнь ойларида	Бажарувчилар маблағлари	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, манфаатдор ташкилотлар	Талабалар, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари ўртасидаги шартномалар
32.	Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш.	доимий равишда	Бажарувчилар маблағлари	Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари	Бажарувчиларнинг Чора-тадбирлари комплекси
VII. Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларида ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълимнинг узвийлигини ва узлуксизлигини таъминлаш, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларида ўқув жараёнининг сифатини оширишда амалий ёрдам кўрсатиш					
33.	Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасаларининг педагог кадрларини қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларида ўқув жараёнини ташкил этиш ва сифатини яхшилаш чора-тадбирларини ва дастурларини амалга оширишга жалб этиш.	доимий равишда	Бажарувчилар маблағлари	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари	Ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар
34.	Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасаларида касб-ҳунар коллежлари учун қуйидаги таълим йўналишлари бўйича педагог кадрлар тайёрлашни ташкил этиш: «Қишлоқ хўжалигида менежмент», «Ўрмончилик ва ўрмон мелиорацияси», «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик», «Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва карантин», «Электрэнергетика (сув хўжалигида)»,	2016-2017 ўқув йилидан бошлаб	Бажарувчилар маблағлари	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари	Бажарувчиларнинг қўшма қарорлари

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул бажарувчилар	Амалга ошириш шакли
	«Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш», «Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш».				
35.	Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасаларида касб-хунар коллежлари педагог кадрларининг малакасини ошириш.	ҳар йили, тасдиқланган жадваллар асосида	Ушбу мақсадлар учун ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида	Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари	Бажарувчиларнинг Чора-тадбирлари комплекси
36.	Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасаларининг педагог кадрларини касб-хунар коллежлари учун дарсликлар ва ўқув адабиётлари тайёрлашга жалб этиш.	2015 — 2017 йиллар, Чора-тадбирлар режасига мувофиқ	Ушбу мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар доирасида	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари	Бажарувчиларнинг Чора-тадбирлари комплекси
37.	Касб-хунар коллежларининг 3-босқич ўқувчиларини қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасаларига ўқишга киришга жалб этишга доир манзилли амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	доимий равишда	—	Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари	Бажарувчиларнинг Чора-тадбирлари комплекси
VIII. Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ҳамда уларни ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ва ахборот-коммуникация воситалари билан жиҳозлаш					
38.	Тошкент давлат аграр университетида ташкил этиладиган Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти маркази биносини мукамал таъмирлаш, уни зарур ўқув-лаборатория ва илмий асбоб-ускуналар, ахборот-коммуникация воситалари билан жиҳозлаш.	2015-2016 йиллар	Ҳомийлар маблағлари	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти, Тошкент давлат аграр университети, манфаатдор ташкилотлар	Бажарувчиларнинг Чора-тадбирлари комплекси
39.	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг асосланган таклифларига мувофиқ қуйидаги лойиҳаларни Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги ва кейинги йиллардаги Инвестиция дастурига киритиш: Сув хўжалигини автоматлаштириш ва механизациялаш факультетининг ўқув-лаборатория биносини, Тошкент ирригация ва мелиорация институти ҳузуридаги Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтининг биносини, лаборатория корпусини ва насос станциясини реконструкция қилиш;	2016 йилдан бошлаб	Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури доирасида марказлаштирилган капитал қўйилмалар	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари	Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул бажарувчилар	Амалга ошириш шакли
	Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг Зоотехния ва қоракўлчилик факультети биноси қурилишини тугаллаш; Самарқанд ва Андижон қишлоқ хўжалиги институтларининг, Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалининг ўқув-лаборатория биноларини, талабалар турар жойларини босқичма-босқич қуриш ва реконструкция қилиш.				
40.	Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория биноларини, талабалар турар жойларини, ўқув-машина-трактор паркларини замонавий ўқув-лаборатория ва технология асбобу-қуналари, ахборот-коммуникация воситалари, мебель, анжомлар, замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси билан жиҳозлаш.	ҳар йили	Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасаларининг ушбу мақсадлар учун назарда тутилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари доирасида, ҳомийлар маблағлари	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари, манфаатдор ташкилотлар	Бажарувчиларнинг Чора-тадбирлари комплекси


Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 3 ноябрдаги 311-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Тошкент давлат аграр университетининг
ТУЗИЛМАСИ***



* Университет (факультетлар, кафедралар ва бошқа таркибий бўлинмалар) ходимларининг чекланган умумий сони олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативларга мувофиқ аниқланади.

**Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалининг
ТУЗИЛМАСИ***



* Нукус филиали (факультетлар, кафедралар ва бошқа таркибий бўлинмалар) ходимларининг чекланган умумий сони олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативларга мувофиқ аниқланади.


Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 3 ноябрдаги 311-сон қарорига
4-ИЛОВА

Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг ТУЗИЛМАСИ*



* Институт (факультетлар, кафедралар ва бошқа таркибий бўлинмалар) ходимларининг чекланган умумий сони олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативларга мувофиқ аниқланади.


**Тошкент ирригация ва мелиорация институти Бухоро филиалининг
ТУЗИЛМАСИ***



* Бухоро филиали (факультетлар, кафедралар ва бошқа таркибий бўлинмалар) ходимларининг чекланган умумий сони олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативлар га мувофиқ аниқланади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 3 ноябрдаги 311-сон қарорига
6-ИЛОВА

Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг ТУЗИЛМАСИ*



* Институт (факультетлар, кафедралар ва бошқа таркибий бўлинмалар) ходимларининг чекланган умумий сони олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативларга мувофиқ аниқланади.

Андижон қишлоқ хўжалиги институтининг ТУЗИЛМАСИ*



* Институт (факультетлар, кафедралар ва бошқа таркибий бўлинмалар) ходимларининг чекланган умумий сони олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативларга мувофиқ аниқланади.